

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АБДУРАХИМОВ ҚУЁШБЕК СУВОНҚУЛОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ  
АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical science**

**Абдурахимов Куёшбек Сувонкулович**

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан  
ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини  
такомиллаштириш..... 3

**Абдурахимов Куёшбек Сувонкулович**

Совершенствование технологий развития информационной  
компетентности руководителей высших учебных заведений..... 21

**Abdurakhimov Kuyoshbek Suvonkulovich**

Improvement of technologies for the development of information  
competence of heads of higher educational institutions..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of publications..... 45

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АБДУРАХИМОВ ҚУЁШБЕК СУВОНҚУЛОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ  
АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022.**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped2049 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyoune.uz](http://www.ziyoune.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исманияров Яшар Уткирови**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор


**Ётақчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги Ҳалқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28/30.12.2019.ped 68.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зие кўчаси 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация билан А.Авлоний номидаги Ҳалқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зие кўчаси 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).



**М.А.Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Д.Пардаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

**Ш.И.Пахрутдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, с.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон олий таълим муассасаларида раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришларга мослашган креатив технологияларни бошқариш жараёнларига тадбиқ этиш асосида олиб борилмоқда. АҚШ, Россия, Швеция, Италия, Буюк Британия, Германия, Япония, Сингапур давлатларида олий таълим муассасаларини бошқаришнинг самарали, инновацион моделларини такомиллаштириш, олий таълим муассасалари инновацион таълим менежменти муҳитини яратиш, олий таълим муассасаларини бошқаришда давлатни етакчи ўрнини белгилаш, педагогик инновацияларни шакллантириш, инновацион педагогик ривожлантирувчи муҳитни такомиллаштиришга доир амалий лойиҳаларни тадбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасалари раҳбар кадрларининг электрон бошқарув тизимида фаолият олиб бориш малакаларини узлуксиз ривожлантириш, таълимни ахборотлаштириш шароитида рақамли технологиялардан фойдаланиш лаёқатларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда инфор­мацион-аналитик қобилиятларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, инновацион бошқарувга доир стратегик ва тактик натижалли қарорлар қабул қилиш, ижро интизомини юритишда рақамли технологияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика­миз олий таълим муассасаларида инновацион ваучер тизимини (Innovation Vouchers Scheme), флантропик фаолиятни жорий қилиш, таълимий маҳсулотларни тижоратлаштириш стратегияларини яратиш ҳамда “Инсон капитали”дан самарали фойдаланишда стратегик йўналишларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди. “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> муҳим устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларини белгилаш моделини яратиш, бошқаришнинг инновацион механизмларини педагогик-психологик имкониятларини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим муассасасини бошқариш асослари Р.Ш.Ахлидинов, Д.Н.Ахмедов, Н.Қ.Ахмедова, У.Ш.Бегимкулов, У.И.Иноятов, Н.С.Мамадов, М.Мирқосимов, Н.Расулов, С.А.Рахимова, С.Т.Турғунов, А.Тўхтабоев, Ж.К.Фазиловлар; таълим муассасасини самарали бошқаришнинг шакл, метод ва воситалари Я.У.Исмадияров, М.Ҳ.Усмонбоева; касбий компетентлик моҳияти М.А.Иназаров, М.М.Қодиров, Н.А.Муслимов, И.А.Эшмаматовлар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим муассасаларини инновацион бошқаришга бўлган илғор ёндашувлар А.Н.Алексеев, А.А.Башарова, О.Б.Вергазова, Е.А.Ганаева, Н.А.Жданкин, О.Н.Ионова, Г.В.Королев, А.И.Орешенков, Н.В.Паперная, В.П.Панасюк; педагогларда ахборот-коммуникатив компетентликини ривожлантириш масалалари Н.Ю.Гончарова, Н.Н.Горлушкина, Л.В.Гребенникова, О.Б.Зайцева, И.А.Зимняя, О.Н.Игнатъева, М.Е.Иньков, Л.М.Исмаилова, К.Н.Лунгу, И.В.Панова, С.Ф.Сильванович, И.Г.Смирнова, Е.Н.Струков, Н.П.Табачук, А.И.Тимошенко, А.Г.Филиналарнинг илмий изланишлар олиб боришган.

Раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашувлар Карлхайнц Ингенкамп (Karlheinz Ingenkamp), Генри Ицковиц (Henry Etzkowitz), Лойет Лейдесдорф (Loet Leydesdorff), Жон Равен (Raven John), Стив Виддет (Steve Widdet), Наполеон Хилл (Napoleon Hill), Сара Холлифорд (Sarah Halliford)лар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-ОТ-2019-23 “Замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда педагог кадрларни тайёрлашнинг илмий-методик таъминоти” (2019-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазибалари:**

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш; раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

инновацион бошқаришнинг когнитив ва эмпирик асосларини ёритиш асосида раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги даражасини баҳоловчи мезонларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишларига ТДПУ, АндДУ, ЖизДПИ ҳамда Бош илмий-методик марказнинг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг жами 244 нафар тингловчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогика, психология ва ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасига оид адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил, анкета, тест (ўқув ва ташхис тестлари), суҳбат, педагогик кузатиш, интервью, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш, математик-статистик методдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги касбий фаолиятни мотивацион, когнитив ва фаолиятли рефлексив даражаларини гносологик негизини ташкил этувчи ҳамда педагогик фаолият самарадорлигини ахборот-бошқарув, дастурий-техник, технологик, креативлик тамойилларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги векторга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларни ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёнида модели ижтимоий-маданий мослик, рақамли бошқарув, халқаро менежмент тамойиллари, методик, эмпирик ва баҳоловчи бошқарув ташхис имкониятлари яратилган “Инновацион менежмент” электрон илова воситасида раҳбар фаолиятда сабаб-оқибат харкаторидаги алоқаларни аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш технологиялари Баскет метод, мақсадлар дарахти, типология методи, морфологик қути, қарорлар қабул қилиш шажараси, аниқлаштирувчи саволлар ҳамда ўзини-ўзи баҳолаш ва индивидула ривожлантирувчи аудио-психологик тренинглар ва топшириқлар мажмуини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги даражасини баҳолаш мезонлари ахборот коммуникацион технологияларидан ижодий, инновацион ва креатив характердаги ишланмаларни тайёрлаш, масофавий таълим имкониятларини ўзлаштириш, виртуал таълим муҳитини ташкиллаштириш, тармоқ ва глобал интернет тармоқлари воситасида касбий фаолиятни ташкил этиш масалаларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг диагностика воситалари ишлаб чиқилган;

раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

“Инновацион менежмент” электрон иловаси яратилган;

раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг методологик ҳамда методик асосга эгалиги; илмий-педагогик тажрибанинг кўп босқич эканлиги; босқичлар (асословчи ва таъкидловчи тажриба) ўртасидаги фарқлар орқали тавсия этилган методика самарадорлигининг аниқланганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги; тажриба натижаларининг ҳаққонийлиги; эмпирик қийматларнинг ишончли математик-статистик (Стьюдент) метод ёрдамида таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар асосли эканлигининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асоси, методик таъминотининг шакллантирилганлиги, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш заруриятининг ижтимоий талаблар негизида илмий асосланганлиги, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва технологияларининг такомиллаштирилганлиги, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** “Инновацион менежмент” электрон иловасининг яратилганлиги, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг самарали шакллари (электрон ташхис; онлайн-тренинг; онлайн-маслаҳат; электрон мониторинг), методлари (Баскет метод”; “Типология”; “Мақсадлар дарахти” (“Башоратловчи графика”); “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”); “Қарорлар қабул қилиш технологияси” (“Қарорлар қабул қилиш шажараси”); “Аниқлаштирувчи саволлар”) ва воситалар (“Ташхис харитаси”; “Таълим муассасасини инновацион бошқариш” модели; “ОТМнинг инновацион фаолияти асосида таълим сифатини баҳолаш стратегияси”; “Олий таълим тизимини рақамлаштириш



стратегияси”)нинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, “Менежметр-контрролинг” технологиясининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини шакллантириш технологияларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий жараёнларини меъёрий-ҳуқуқий ахборотлар билан ишлаш, таълим сифати ва инновацияларни замонавий технологиялар асосида бошқариш, раҳбар кадрларда рақамли компетенцияни ривожлантириш йўналишларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4362-сон маълумотномаси). Натижада, раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида рақамли технологияларни татбиқ этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш моделининг когнитив асосини аниқлаштириш, малака ошириш курси тингловчиларида АКТ воситасида педагогик креативликни намоён қилиш малакаси барқарор намоён бўлишини бевосита ҳисобга олиш, инновацион бошқаришнинг когнитив ва эмпирик асоси сифатида раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи “Менежметр-контрролинг” технологиясини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сон буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув модулларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4362-сон маълумотномаси). Натижада, раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш курслари ўқув модуллари мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини баҳолаш мезонларини аниқлаштириш, бошланғич, ўрта, юқори даражаларга асосланувчи назорат-баҳолаш тизимини рефлексивлик билан қайта алоқага киришуви адаптивлигини ҳисобга олишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан МВ-ОТ-2019-23. “Замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда педагог кадрларни тайёрлашнинг илмий-методик таъминоти” (2019-2021 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4362-сон маълумотномаси). Натижада, раҳбар кадрларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини баҳолаш жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 146 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг “ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган, ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари баён этилган.

Жамият ривожининг бугунги кундаги босқичи бевосита, технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замоनावий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ахборот узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологиялар ривожланиб, кучайиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда ва улар такомиллашмоқда.

Бошқариш фақат ишлаб чиқаришгагина хос бўлган жараён эмас. Балки ижтимоий соҳалар, шунингдек, таълим тизимида ҳам бошқаришни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим. Ҳозирги пайтда ягона педагогик жараённи бошқаришга илмий ёндашиш ҳаракати кучайди. Бу эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни шакллантириш учун ўта муҳим ҳисобланади.


Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги” тушунчасини назарий жиҳатдан шарҳлаш мумкин. Бизнинг фикримизга кўра, **ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги** – уларнинг менежмент ва ахборот технологиялари асосларига оид билим, бошқарув жараёнини АКТ ёрдамида самарали ташкил малакалари, тажрибаси, шахсий сифат ҳамда лавозимий ваколатларга эгаллиги.

**ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш** – ОТМ раҳбар кадрларининг менежмент асослари, АКТ, уларнинг техник, технологик ва функционал имкониятларига оид назарий билим, бошқарувни ахборот ва коммуникацион технологиялар ёрдамида

самарали ташкил этишга оид амалий кўникма, малака, тажриба, шахсий сифат ҳамда лавозимий ваколатларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш жараёни саналади. Мазкур жараёнда ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият, уни ташкил этиш йўллари, шакл, метод, восита ҳамда технологиялари акс этади.

ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги асосини уларнинг ахборотларни олиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, узатиш орқали қўл остидаги ходимлар билан ўзаро мулоқотни ташкил этишга имкон яратадиган ахборот ва коммуникацион технологиялар – компьютер қурилмаси, Интернет алоқа тизими, ижтимоий тармоқлар, ОАВ (радио, телевидение, матбуот органлари (газета, журналлар) ёрдамида халқаро ва локал тармоқларда бошқарув жараёнини изчил, самарали ташкил этиш, менежмент жараёнига янгича ёндашиш қобилияти намоён бўлади. Бунда ОТМ раҳбар кадрларининг, энг аввало, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечган ҳолда вақтни, меҳнат ресурсларини, моддий ашёларни тежаган ҳолда инсон капитали – ОТМ педагогларининг ижодий инициативаларидан самарали, мақсадли фойдаланишга, педагогик инновацияларнинг яратилиши, уларнинг тижоратлаштирилиши, ижодкор, креатив педагоглар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитни яратишга, бу йўлда энг оптимал бошқарув тизими ва механизмни яратишга эътиборни қаратиши муҳимдир.

Тадиқотни олиб боришда, шунингдек, ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги негизда акс этувчи сифатлар ҳам аниқланди. Назарий ҳамда амалий таҳлил натижаларига кўра ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги негизда қуйидаги сифатлар акс этади, деган хулосага келинди (1-расм).



**1-расм. ОТМ раҳбар кадрларининг ахборот компетентлиги негизда акс этувчи муҳим сифатлар**

ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигига эгалликлари таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш тартиби, педагог кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш, аттестация тартиби, кадрларни тўғри жойлаштириш ва уларнинг мослашиши учун шароит яратиш, ўз-ўзини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, педагог ва раҳбар кадрлар таркибининг захирасини яратиш, ОТМ фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий, ахборот-методик ва иш юритишга оид менежмент ҳужжатларини электрон шаклга ўтказиш, бошқарув жараёнининг онлайн режимида амалга ошириш кўринишида намоён бўлади.

Ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлиги уни ташкил этишда устуворлик касб этувчи тамойилларнинг белгиланиши ва уларга риоя этилишига боғлиқ.

Шу сабабли тадқиқотни олиб боришда ОТМ педагог кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришда устувор аҳамиятга эга бўлган тамойилларни аниқлашга эътибор қаратилди. Бунинг учун назарий таҳлил олиб борилди.

Устувор тамойилларни аниқлашга қаратилган назарий таҳлил натижалари, шунингдек, тадқиқот предметининг ташкилий-методик характерга эгаллигидан келиб чиққан ҳолда ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий мослик, рақамли бошқарув, мақсадли, инновацион ҳамда тизимли ёндашув, яхлитлик, ижтимоий характерга эгаллик, онлайн ва интерфаол мулоқот, халқаро менежмент тажрибаси, шахсий масъуллиқ каби тамойиллари белгиланди.

Тадқиқот муаммосининг назарий моҳиятини таҳлил қилиш, ОТМ раҳбар кадрларининг фаолиятини ўрганиш, бошқарув амалиётининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг қуйидаги босқичларда кечиши аниқланди: ташхис босқичи; таълимий босқич; амалий-фаолиятли босқич; ўз-ўзини назорат ва мониторинг босқичи.

Тадқиқот муаммосининг умумий моҳияти, уни ижобий ҳал қилишга бўлган илмий-педагогик ёндашув натижасида ОТМнинг раҳбар кадрларида ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди (2-расм).

Тадқиқот муаммосига ёндош масалалар бўйича олиб борилган илмий изланишлар, уларда илгари сурилган муҳим ғояларни таҳлил қилиш асосида ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари сифатида белгиланди: ОТМ раҳбар кадрларини меъёрий-ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш; ОТМ раҳбар кадрларининг таълим сифатини бошқариш малакаларини ривожлантириш; ОТМ раҳбар кадрларида инновация (инновацион лойиҳа ёки инновацион жараён)ларни бошқариш малакаларини ривожлантириш; ОТМ раҳбар кадрларининг инновацион бошқарув малакаларини ривожлантириш; ОТМ раҳбар кадрларининг АКТ билан ишлаш малакаларини ривожлантириш.

ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш жараёни

Когнитив асос

Методик асос

**Муҳим сифатлар:** АКТнинг имкониятини билиш; ОТМнинг рақамли менежменти асосларидан хабардорлик; ОТМ менежментининг оптимал рақамли моделни танлаш қобилияти; модел самарадорлигини баҳолаш; моделни амалиётга татбиқ ва самарадорлигини назорат; АКТ воситасида педагогик креативликни намоён қилиш малакасига эгалик.

**Таъминотлар:** ижтимоий-мадний мослик; рақамли бошқарув, мақсадли, инновацион ва тизимли ёндашувлар; яхлитлик; ижтимоий характерга эгалик; онлайн ва интерфаол мулоқот; халқаро менежмент тажрибаси; шахсий маъсуллик.

**Асосий йўналишлар:** ОТМ раҳбар кадрларини меъёрий-ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш; уларнинг таълим сифатини, инновация (инновацион лойиҳа ёки инновацион жараён)ларни бошқариш, инновацион бошқариш ҳамда АКТ билан ишлаш малакаларини ривожлантириш

**“Инновацион менежмент” электрон иловаси**

**Шакллар:** электрон тапхис; онлайн-тренинг; онлайн-маслаҳат; электрон мониторинг.

**Методлар:** “Баскет метод”; “Типология”; “Мақсадлар дарахти” (“Баҳоратловчи графика”); “Морфологик кути” (“Морфологик таҳлил”); “Қарорлар қабул қилиш технологияси” (“Қарорлар қабул қилиш шажараси”); “Аниқлаштирувчи саволлар”.

**Воситалар:** “Тапхис харитаси”; “Таълим муассасасини инновацион бошқариш” модели; “ОТМнинг инновацион фаолияти асосида таълим сифатини баҳолаш стратегияси”; “Онлай таълим тизимини рақамлаштириш стратегияси”.

**Технология:** “Менежмстр-контролинг”

Эмпирик асос

**Босқичлар:** тапхис, таълимий, амалий-фаолиятли ҳамда ўз-ўзини назорат ва мониторинг

Баҳоловчи асос

**Мезонлар:** ОТМни инновацион бошқаришга оид назарий билимларга эгалик (когнитив); амалий кўникма, малакаларга эгалик (эмпирик-фаолиятли), тажрибага эгалик (рефлексив).  
**Даражалар:** бошланғич (когнитив), ўрта (эмпирик-фаолиятли), юқори (рефлексив)

**2-расм. ОТМ раҳбар кадрларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёнининг модели**

Тадқиқот муаммосини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш қуйидаги натижаларни қўлга киритишга имкон берди: менежмент, таълим муассасаларини бошқариш ҳамда компетентлик масалалари педагогика соҳасида етарлича ўрганилган; бироқ, ахборотлар билан ишлаш компетентлиги ва уни ривожлантириш йўналишининг кенг тадқиқ этилмаган, бу борада у қадар катта тажриба тўпланмаган; ахборотлар билан ишлаш компетентлиги ва уни ривожлантириш йўналишида олиб борилган тадқиқотнинг аксарияти бўлажак мутахассислар ёки таълим муассасасаларининг педагоглари мисолида ОТМ ва

малака ошириш тизими бўйича олиб борилган бўлиб, раҳбар кадрларнинг ахборот

компетентлигини ривожлантириш масаласи ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш тизими”** деб номланган иккинчи бобда ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим шакллари ва технологиялари ишлаб чиқилган, ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг самарали методикаси баён этилган.

Педагогик, психологик ҳамда социологик тадқиқотларда тадқиқ этиладиган муаммонинг ечимини топишда илмий-педагогик фаолият учун асос бўлиб хизмат қиладиган методик таъминотнинг шакллантирилиши муҳим аҳамиятга эга. ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришда ҳам масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратилди. Тадқиқотни олиб бориш даврида дастлаб ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш, шунингдек, ана шу мақсадда ташкил этиладиган ташхислаш жараёнини самарали ташкил этишга имкон берувчи методик таъминот сифатида **“Инновацион менежмент”** электрон иловаси ишлаб чиқилди. Ушбу электрон илованинг асосини қуйидаги элементлар ташкил этди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвалда қайд этилганидек, илмий-педагогик муаммони ҳал қилишда, шунингдек, ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришда самарали бўлган технологияни асослашга эътибор қаратилди. Ана шу эътиборнинг натижаси сифатида **“Менежмент-контроллинг”** номли технология асосланди.

#### 1-жадвал

#### **“Инновацион менежмент” электрон иловасининг муҳим элементлари**

№	Муҳим элементлар	Уларнинг турлари
1.	Ташкилий шакллар	Электрон ташхис; онлайн-тренинг; онлайн-маслаҳат; электрон мониторинг
2.	Методлар	“Баскет метод”; “Типология”; “Мақсадлар дарахти”; “Морфологик кути”; “Қарорлар қабул қилиш технологияси”; “Аниқлаштирувчи саволлар”
3.	Воситалар	“Ташхис харитаси”; “Таълим муассасасини инновацион бошқариш” модели; “ОТМнинг инновацион фаолияти асосида таълим сифатини баҳолаш стратегияси”; “Олий таълим тизимини рақамлаштириш стратегияси”
4.	Технология	“Менежмент-контроллинг”

**“Менежмент-контроллинг”** технологиясининг асосий мақсади – аниқ мезон ва кўрсаткичлар асосида ОТМ раҳбар кадрларининг инновацион бошқарувни ташкил этишга доир билим, малака ва амалий иш тажрибасига эгаллигини аниқлашдан иборат.

Технологияни қўллашда қуйидаги вазифаларнинг ҳал қилиниши назарда тутилди: 1. ОТМнинг инновацион бошқарилишини изчил ўрганиш, таҳлил

қилиш ва баҳолашга имкон берадиган мезон ва даража кўрсаткичларини белгиловчи “Менежметр-контроллинг”ни ишлаб чиқиш. 2. ОТМнинг раҳбар кадрларини “Менежметр-контроллинг” билан қуроллантириш. 3. ОТМ раҳбар кадрлари томонидан “Менежметр-контроллинг” ёрдамида раҳбарлик фаолиятини, ОТМнинг инновацион бошқарилишининг мавжуд ҳолатини изчил баҳолаб бориш имкониятини яратиш.

Назарий таҳлил ва ОТМ фаолиятини амалий жиҳатдан ўрганиш ОТМнинг инновацион бошқарилишини изчил ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашда қуйидагиларнинг мезон сифатида олинishi мақсадга мувофиқлигини кўрсатди: ўқув фаолиятида таълим инновацияларининг қўлланилиши; илмий фаолиятлар натижаси сифатида педагогик инновацияларнинг асосланиши; молиявий фаолиятни ташкил этишга инновацион ёндашув (бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилиши); таълимий характердаги методик ишланмалар, тарбиявий характердаги ижтимоий-педагогик лойиҳалар маркетинги йилга қўйилганлиги; инноватор, креатив педагог кадрларга эгалик; ОТМ менежментининг рақамлаштирилганлиги.

Мазкур мезонлар асосида ОТМ инновацион бошқарилишини қуйидаги даража кўрсаткичлари ёрдамида баҳолаш мақсадга мувофиқдир: бошланғич даража; амалий даража; самарадорлик даражаси.

Тадқиқотни олиб боришда юқорида кўрсатилган даража кўрсаткичлари учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

**“Менежметр-контроллинг”нинг даража кўрсаткичларини белгиловчи ҳолатлар**

№	Мезонлар	Даража кўрсаткичлари		
		Бошланғич	Амалий	Самарадорлик
1.	Ўқув фаолиятида таълим инновацияларининг қўлланилиши	<i>Бўлим ва кафедралар томонидан жорий этилган инновациялар сони</i>		
		4 тагача	8 тагача	10 дан ортиқ
2.	Илмий фаолиятлар натижаси сифатида педагогик инновацияларнинг асосланиши	<i>Илмий тадқиқотлар натижасида асосланган инновациялар сони</i>		
		4 тагача	8 тагача	10 дан ортиқ
3.	Молиявий фаолиятни ташкил этишга инновацион ёндашув (бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлаб топилиши)	<i>Бўлим ва кафедраларнинг томонидан қўшимча топилган маблағлар миқдори, млн/сўм</i>		
		5-8	10-12	15 ва ундан кўп
4.	Таълимий характердаги методик ишланма ва тарбиявий характердаги ижтимоий-педагогик лойиҳалар маркетинги йўлга қўйилганлиги	<i>Бўлим ва кафедраларнинг томонидан сотувага қўйилган методик ишланма ва лойиҳалар, та</i>		
		4 тагача	8 тагача	10 дан ортиқ
5.	Инноватор, креатив педагог кадрларга эгалик	<i>Кафедра ва бўлимларнинг инноватор, креатив педагог кадр (ходимлар)га эгалиги, фоиш</i>		
		30 фоишгача	50 фоишгача	75 фоишдан юқори
6.	ОТМ менежментининг рақамлаштирилганлиги	<i>ОТМ фаолиятида барча йўналишлари бўйича АКТнинг қўлланилиши, фоиш</i>		
		30 фоиш	50 фоиш	75 фоишдан юқори

Тадқиқот даврида ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришда самарали бўлган методлар ҳам аниқланди. Назарий таҳлил, педагогик кузатиш натижаларига кўра “Баскет метод”, “Типология”, “Мақсадлар дарахти” (“Қарорлар қабул қилиш технологияси” (“Қарорлар қабул қилиш шажараси”), “Аниқлаштирувчи саволлар” каби методлар ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигини муваффақиятли ривожлантириш имкониятига эгаллиги аниқланди.

Тадқиқотни олиб боришда яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашдир. Шу мақсадда ОТМ раҳбар кадрларининг ахборотлар билан ишлаш компетентлигининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашга имкон берадиган мезонларни ишлаб чиқиш талаб қилинди. Мезонларни ишлаб чиқишда дастлаб тадқиқот муаммосига яқин масалалар тадқиқ этилган илмий ишларда мезонларнинг танланиши, бу борадаги талаблар инобатга олинди.

